Ушбу сонда:
2 НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД манбаига чек қўйилди
3 МИЛЛАТ ҚАЛБИ ВА РУҲИЯТИ КЎЗГУСИ
4 ҲАРБИЙ ХИЗМАТ – МУҚАДДАС БУРЧ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 20 октябр, чоршанба № 167 (1800)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ



Тошкент вилояти пахтакорлари 25 минг тоннадан ортиқ уруғлик пахта етиштириб, бу борадаги шартнома мажбуриятини бажарди. Ҳосилнинг асосий қисмини маҳаллий шароитга мос «С-65-24» нави ташкил этди.

Вилоят уруғлик пахта хирмонига Чиноз, Бўка, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ туманлари деҳқонлари муносиб улуш қўшди. Ҳосилнинг ҳаммаси юқори навларга қабул қилинди.

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

*Азиз дўстлар!*

*Аввваламбор, сизларни 110 минг тонналик пахта хирмони барпо этиб, шартнома режасини ошириб бажарганингиз билан чин қалбимдан қизғин табриклайман.*

*Ҳеч шубҳасиз, қўлга киритилган бу ютуқ бутун вилоят аҳлининг катта меҳнати, ҳамжиҳатлиги, ташаббус ва интилишларининг, ишга янгича муносабатнинг амалий натижасидир.*

*Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлмиш пахтачилик соҳаси деҳқондан қанчалик фидокорона меҳнат, билим ва тажриба, омилкорлик талаб қилишини барчамиз яхши тушунамиз.*

*Айниқса, Навоий вилоятининг мураккаб иқлим шароитида - Қизилқум саҳросига туташиб кетган ерларда юксак деҳқончилик маҳорати ва миришкорлик ҳисобидангина мўл ҳосил етиштириш мумкин. Шу маънода, сизларнинг эришган бу меҳнат зафарингиз алоҳида эътиборга сазовор.*

*Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ҳаётимиздан тобора чуқур ўрин олиб бораётган ислоҳотлар аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун, деган тамойил бутун юртимиз қатори Навоий вилоятида ҳам ўз тасдиғини топмоқда, деҳқонларимизнинг ерга, мулкка, етиштирилган ҳосил ва олинган даромадга эгалик туйғуси янада кучайиб бормоқда.*

*Ноёб ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлган Навоий заминининг иқболи ва истиқболини ўз қўли билан яратаётган сиз азизлар, вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий тараққиёти йўлида бундан буён ҳам куч-ғайратингизни аямайсизлар, деб ишонаман.*

*Сизларни эришган меҳнат ғалабангиз билан яна бир бор қутлаб, ана шу эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда барчангизга ҳамиша янги ютуқлар, бахт ва омад ҳамроҳ бўлишини тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*Йиғим-терим ва касаба уюшмалари*

## ИШ ҲАҚИ
### даланинг ўзида тарқатилмоқда

***Туманимиз бир неча йиллардан буён пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда республикада олдинги ўринларни эгаллаб келмоқда. Жорий йилда ҳам катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдик. Пахта бўйича шартномавий режа вилоятда биринчилар қаторида бажарилди. Ҳосилнинг 92 фоизи биринчи навга сотилди. Бундан ташқари, ғалла, пилла, мева сотиш буюртмалари ҳам ортиғи билан адо этилди.***

Бу ютуқларда 27 та бошланғич, 302 та цех ташкилотидан иборат касаба уюшма қўмитамизнинг ҳам муносиб улуши бор. Чунки тармоқда 20 мингга яқин киши меҳнат қилади. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнатини муҳофаза қилишда туман ҳокимлиги билан касабақўм ўртасида тузилган битишув ва жамоа шартномаларининг аҳамияти катта бўляпти. Зеро, тармоқ ходимларининг меҳнатини тўғри ташкил қилиш, иш ҳақларидан қарздорликка барҳам бериш, мавсум илғорларини рағбатлантириш, меҳнат ва маиший шароитларини яхшилаш бўйича битим ва жамоа шартномаларига алоҳида бандлар киритилди. Тармоқ қўмитаси ҳамда ҳокимлик билан ҳамкорликда қўшма қарор қабул қилиниб, мавсум ғолибларини пойтахт сиҳатгоҳларида бепул дам олдириш кўзда тутилди. Бунинг учун ҳар бири 150 минг сўм турадиган 4 та йўлланма.

Далада ишловчиларнинг унумли меҳнати аввало уларга яратилган маданий-маиший шароитга боғлиқ. 16 та ширкат хўжалиги ўртасида дала шийпонларининг йиғим-теримга тайёргарлиги юзасидан ўтказилган кўрик-танловда «Ёрқишлоқ» ширкат хўжалиги ғолиб, деб топилди. Бунда хўжалик касабақўм раиси Э.Ҳасановнинг жонбозлигини таъкидлаш жоиз. У хўжалик аъзоларининг меҳнат муҳофазасини яхшилашга оид жамоа шартномасида белгиланган шартларнинг ижроси устидан изчил назорат ўрнатганлиги боис теримчиларга транспорт хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди. Бепул иссиқ овқат ташкил қилинди. Иш ҳақи даланинг ўзида тарқатилди. Илғорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Натижада хўжалик қабул пунктларига кунига йиллик режанинг 3-4 фоизи миқдорида «оқ олтин» топширилиб, пахта тайёрлаш давлат буюртмаси 115 фоизга уддаланди.

Туман ҳокимлиги билан тармоқ касабақўми битимларида ишловчиларни ойлик маош билан узлуксиз таъминлашга алоҳида урғу берилган. «Пахтабанк» туман бўлими томонидан ҳар беш кунда иш ҳақини бевосита даланинг ўзида тарқатилиши йиғим-теримни уюшқоқлик билан олиб боришга, кунлик ўсиш суръатини кўтаришга ёрдам берди. Биргина октябр ойининг биринчи ўн кунлигида ишловчилар қўлига 840 миллион сўм иш ҳақи тегди. «Дўстлик», «Гулбаҳор», «Ҳақиқат», «Ойим» ширкат хўжаликлари пешқадамлар қаторида маррага етиб келдилар. Маҳмуд Мирзаев, Хурбек Холбоев, Олим Бегматов каби бош пудратчилар ҳар гектар майдондан 30 центнердан ҳосил етиштиришга эришдилар. Дилноза Азимова, Раҳима Худойқулова, Манзура Ўринбоева сингари илғор теримчилар мавсум қаҳрамонларига айланди.

Аҳолини ижтимоий-иқтисодий кафолатлашнинг асосий шарти - қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда ҳам туманда олға қадам ташланмоқда. Ёрқишлоқ қишлоғида 610 минг АҚШ доллари қийматида бўлган кичик корхона қурилиши ниҳояланмоқда. Янги ишхона шарофати билан 20 нафар қишлоқ ёшлари муқим иш ўрнини топади. Ойим, Абдуллабий, Янги турмуш қишлоқларида замонавий ҚВПлар бунёд этилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида ҳокимлик ташаббуси билан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қишлоқ мактаблари учун 20 та компьютер харид қилинди. Шунингдек, олис қишлоқларга 5 километр узунликда табиий газ ва тоза ичимлик сув қувурлари тортилди.

**Абдуфаттоҳ ЛАТИПОВ,**
**Жалақудуқ туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси**

## ДЕҲҚОН САДОҚАТИ

Қаерда омилкорлик, шижоат ва юксак сафарбарлик таъминланса, ўша ерда кўзланган марра албатта забт этилади. Навоийлик азамат деҳқонлар Меҳр ва мурувват йилида ғайрат камарини маҳкам боғлаб ишга киришдилар. Шароитга мос чигит навлари танланганлиги, барака уруғи қулай муддатларда ерга қадалганлиги, ҳосил тўплаш ойларидаги шижоат ва ташаббускорлик шарофати ила бепоён пахтазорларда мўл ҳосил етиштирилди. Ҳал қилувчи палла – йиғим-терим мавсумига ҳам пухта тайёргарлик кўрилди. Далада ишлаётган шижоатли инсонларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатилди. Аввало терим ҳақи даланинг ўзида тарқатилди. Маданий-маиший тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилди.

Бебаҳо бойлигимизни саранжомлаш, хирмонга элтиш, қабул пунктларига топшириш ишлари намунали ташкил этилди. Натижада хўжаликлар, туманлар бирин-кетин маррага ета бошладилар. Бугун уюлган вилоятнинг катта хирмонида Қизилтепа, Хатирчи, Кармана, Навбаҳор туманлари қадоққўл деҳқонларининг муносиб ҳиссаси бор.

Сифат – мўмай даромад манбаи. Буни яхши англаган навоийлик миришкорлар мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштиришга зўр бердилар. Ва бу борада ҳам ниятларига етдилар. Агар ўтган йили етиштирилган ҳосилнинг қарийб 80 фоизи биринчи навга сотилган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 90 фоиздан ошиқроқни ташкил этди.

Мавсум барчани имтиҳондан ўтказди. Кўплар қатори меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячилари бўлмиш касаба уюшмалари ҳам муҳим ишга ўзларини сафарбар деб билдилар. Далада ишловчиларга қулай шароитлар яратиш, илғорларни рағбатлантириш каби тадбирларни амалга оширишда ташкилотчилик, жонбозлик кўрсатдилар. Буларнинг ҳаммаси юқори суръатни таъминлади. Ғалабадан руҳланган вилоят заршунослари йиғим-теримни қизғин давом эттирмоқдалар.

## ЯККАБОҒДА ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тиббиётни ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»-ги Фармони асосида жойларда амалга оширилаётган ишлар кишини қувонтиради. Масалан, кейинги йилларда барпо этилаётган қишлоқ врачлик пунктлари, шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимларида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва даволашда тиббиётнинг энг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозланган асбоб-ускуналардан фойдаланилмоқда.***





Шулардан бири яқинда иш бошлаган Яккабоғ тумани марказий шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимидир. Барча қулайликларга эга бўлган 20 ўринли шифохонада беморларга малакали мутахассислар хизмат кўрсатади. Бу ерда беморларга сифатли хизмат кўрсатиш учун жаҳон андозаларига мос келадиган асбоб-ускуналардан фойдаланилмоқда.

Бўлимни қайта қуришда Усмон Хурсанов раҳбарлигидаги «Яккабоғ нури» ишлаб чиқариш корхонаси қурувчиларининг хизматлари катта бўлди. Асосан ҳомийлар кўмаги билан ишга туширилган тиббиёт масканида 19 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири**

**Суратларда: Шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимининг янги биноси; шифокорлар Қ.Эшмўминов, О.Бобокулова, Д.Азимов.**

*Орамиздаги одамлар*

## ФЕРМЕР
### бойиса кўпга нафи тегади

***Асли касби иқтисодчи бўлган музработлик Исмоил Худойназаров, мана тўрт йилдирки, «Маматқул» фермер хўжалигини бошқармоқда. У 2001 йили туманнинг Акмал Икромов номли ширкат хўжалиги ҳудудидан 66,4 гектар экин майдонини ижарага олиб, ғалла, пахта етиштира бошлади. Тадбиркорлик билан иш олиб бораётган фермер ҳар йилги шартномавий режаларни ортиғи билан бажариб келмоқда. Фермер даласида асосан унинг оила аъзолари, ака-укалари ишлашади. 12 нафар доимий, 20 нафар мавсумий ишловчилар, 5 нафар механизатор ўз ризқу насибасини ҳалол пешона тери билан ердан ундирмоқда.***

Фермер хўжалиги 24 гектар ғалла майдонидан бу йил давлат буюртмасидан ташқари 144 тонна буғдой олди. Унинг асосий қисми ишчиларга 1,5-2 тоннадан мукофот тарзида тарқатилди. Чунки бу фермер хўжалиги раҳбари ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2002-2005 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасида кўзда тутилган эди.

– Ишчиларимиз 25 минг сўмдан ойлик иш ҳақи олишмоқда. Ҳар ойда доимий ва мавсумий ишловчиларга белгиланган миқдорда ўсимлик ёғи бепул берилмоқда. Бундан ташқари, уларга даламизда етиштирилган қовун-тарвуз, мош, ловия каби полиз маҳсулотлари ҳам текин тарқатилади. Бир йилда 50 миллион сўмдан ошириб соф даромад оляпмиз. Бунинг ҳисобидан 2 та «Олтой», 2 та МТЗ-80 тракторлари ҳамда «Нива» комбайнини сотиб олиб, ишчиларимиз меҳнатини енгиллаштиришга эришдик, – дейди бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Музаффар Худойназаров.

Ҳақиқатдан ҳам фермер хўжалиги тобора иқтисодий жиҳатдан юксалиб бораётир. Натижада бирмунча таҳсинга лойиқ хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, илғор ишчилар - Мамат Шонаев ва Ислом Худойназаровга шахсий уй-жой қуришлари учун фермер хўжалиги ҳисобидан 800 минг сўмдан ёрдам кўрсатилди.

Меҳнаткашларнинг ишидан, ҳаётидан мамнунлиги юз-кўзида акс этиб турибди. Улар учун соф даромад ҳисобидан уч хонали шинам дала шийпони қурилган. Ҳозирда бу ер дала меҳнаткашларининг иккинчи уйига айланган. Ишчилар дам олиш вақтида телевизор кўришади, радио эшитишади. Вақтли матбуот нашрлари билан танишишади. Турли спорт машғулотлари билан шуғулланадилар. Жорий йилда Алишер Ҳимматалиев ва Жалолиддин Розиқов каби илғор ишчилар сиҳатгоҳларда бепул дам олиб, соғлиқларини тиклашди.

– Аҳил жамоамиз ютуқлари барчамизга қувонч бағишламоқда. Бу йил 42 гектар майдонда пахта етиштириб, 127 тонналик давлат буюртмасини ошиғи билан бажардик. Ҳозиргача теримчиларимизга 4 миллион 600 минг сўм нақд пул бердик. Уларни бир маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминлаш ва тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйганмиз. Терим якунида илғорлар яна бир миллион сўмлик қимматли совғалар билан тақдирланади, – дейди фермер.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Мактуб йўлга чорлади*

## «ҲАР НЕ БЎЛСА, ЎЗИНГДАН КЎР»
### Меҳнат қонунларига амал қилиш, жамоадошларига ҳурмат, эътиборли бўлиш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарз

***Манзурахон Қозоқова эллик ёшни қоралаб қолган, оилали, бир фарзанднинг онаси. Андижон шаҳридаги 2-акушерлик-терапия-педиатрия шифохонасида ходим бўлиб ишлайди. Бу қайдларни келтиришдан мақсад – унинг катта ҳаёт тажрибасига эга эканлиги, оқ-қорани фарқига боришини, энг муҳими, инсон қадриятига дахлдор муассасада меҳнат қилишига урғу беришдир.***

Бир идорада 9 йил ишлаш оз муддат эмас. Хайрли юмушлардан четда турмасангиз, ўзгалардан лутфу марҳаматингизни аямасангиз, касбингизни ардоқласангиз жамоанинг доим сиз учун бағри очиқ.

Бироқ Манзурахон опанинг «Ишонч» таҳририятига ёзишича, 2002 йили меҳнат таътилидан қайтса, ўрнида бошқа одам ишлаб турган бўлади. Айтишича, касаба уюшма қўмитаси раиси Хуршидахон Исоқова гўё Манзурахон номидан ишдан озод қилиш ҳақида ариза ёзиб имзолагану, маъмуриятга топширган. Кейин қўлига меҳнат дафтарчасини тутқазишиб «катта кўча» дейишган. Шикоят хатида билдирилишича, М.Қозоқованинг адолат излаб вилоятда қоқмаган эшиги қолмаган.

Мактубнинг давомини ўқисангиз, қўй оғзидан чўп олмаган, ҳақиқат излаб сарсон бўлган муштипар аёл ҳамда инсон тақдирига лоқайд айрим бағритош мутасаддилар кўз олдингизда намоён бўлади. Беминнат халоскоримиз жонга-жон шифокорлар наҳотки ўз жамоадошига ана шундай меҳр-оқибатсиз бўлсалар?

Оғир кечинмалар билан шифохонага йўл оламиз. Сиҳатгоҳ шаҳарнинг қоқ ўртасида жойлашган, унда 150 нафар соғлиқни сақлаш ходими меҳнат қилади. Ҳар бири ўзига яраша феъл-атворга эга. Уларни қовуштириш осон эмас. Бу кўпроқ касаба уюшмасининг иши. Аммо унинг раиси Хуршидахон Исоқова Манзурахоннинг ёнини олиш ўрнига, уни Меҳнат қонунларига зид ҳолда ишдан бўшатишга кўмаклашса-я?

Хуршида Исоқова билан мулоқотда масала ойдинлашди. Аризани Манзурахон эмас, унинг илтимоси билан касаба уюшма раиси ёзган бўлиб чиқди. Аммо уни Х.Исоқова эмас, Манзурахон имзолагани бор гап. Ачинарлиси, Хуршидахонни ёмон отлиққа чиқаришда бундан фойдаланган. Натижада шифохона бош ҳакими Азизахон Эшонхўжаева М.Қозоқовани ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ чиқарган. Ариза Манзурахоннинг ташаббуси билан ёзилганлиги Андижон вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма тармоқ қўмитаси раиси Кимёхон Наимованинг жавоб хатида ҳам ўз исботини топган. У ушбу қўмитага ўзининг ноқонуний ишдан бўшатилганлиги тўғрисида мурожаат қилганди. Хат муаллифига йўлланган 2002 йил 24 февралдаги жавобда М.Қозоқова шахсий аризаси бўйича ишдан озод этилганлиги кўрсатилган.

Шу билан бирга М.Қозоқованинг ишдан бўшатилишида Меҳнат қонунлари бузилганлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Бош ҳаким буйруқ чиқаришдан олдин касаба уюшма розилигини олмаган. Хуршидахон эса томошабинлик йўлини тутган. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма вилоят тармоқ қўмитаси фуқарони ўз ҳимоясига олган. Зикр қилинган хатда бош шифокорнинг М.Қозоқовани ишдан бўшатишда «Меҳнат Кодекси»нинг бир қатор моддаларига хилоф равишда иш тутилганлиги таъкидланиб, ҳаким буйруғи бекор қилинади. М.Қозоқовани ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунлари учун ҳақ тўлаш белгиланади.

Хатони тан олиш марднинг иши. М.Қозоқова ўз ишига қайтарилди, мажбурий таътилдаги кунлари учун иш ҳақи тўланди. Буни нотўғри талқин қилган Манзурахон ҳайратомуз йўл тутди. Яъни бош ҳаким Азизахон Эшонхўжаевани ўзидан ҳамманинг олдида кечирим сўрашини талаб қилади. Азизахон бағрикенглик қилди. Жамоани тўплаб узрини айтади. Шунда ҳам М.Қозоқова ишга чиқмайди. Мутасадди идораларга қайта-қайта шикоятлар ёзишдан тийилмайди. Яхшиси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг бу ҳақдаги баённомасини ўқинг: «Сиз 2002 йил 25 феврал куни ишга тикланиш ҳақидаги буйруқ билан имзо чекиб танишгансиз. Лекин ишни бошламагансиз. Фақат 2003 йил 1 апрел куни эрталаб ишга келгансиз ва соат кундуз 12 ларда маъмуриятни огоҳлантирмасдан, бека М.Еттибоева ва бошқа фаррошлар билан жанжаллашиб кетиб қолгансиз».

Кўряпсизки, М.Қозоқова бир йилга яқин аразлаб ишга чиқмаган. Хоҳлаганда келиб устига-устак ҳамкасблар ўртасида асаббузарлик қилган. Меҳнат қонуни олдида иш берувчи қандай масъул бўлса, ходим ҳам шунчалик жавобгардир. Ҳуқуқини пеш қилиб, бурчи, масъулиятини унутиш, жамоа билан ҳисоблашмаслик ёмон иллат.

М.Қозоқованинг адолат излаб идорама идора юришига ҳеч ким қарши эмас. Бу унинг фуқаролик ҳақ-ҳуқуқи. Лекин ўзининг ҳақлигига ишончи комилми, шу ҳақда мулоҳаза қилса, яхши бўларди. Халқимиз олдин пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга, деб бежиз айтмаганку?! У инсофга келавермагач, Манзурахоннинг ишга сабабсиз чиқмаган кунларини маъмурият меҳнат интизомини қўпол равишда бузиш, деб баҳолади. «Меҳнат Кодекси»нинг 100-моддаси, 4-банди бўйича М.Қозоқова билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди. Албатта бу сафар касаба уюшмасининг розилиги олинган. Шу баробаринда, ходимга навбатдаги меҳнат низосини ҳал этиш юзасидан фуқаролик туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкинлиги ҳам айтилди.

Шикоятни ўрганиш жараёнида Манзурахон Қозоқованинг айрим хатти-ҳаракатларига эътиборни қаратдик. Фақат ўз эътирозларини маъқуллаб, ўзгалар фикрига қора чизиқ тортиши бизни ажаблантирди. Қарангки, М.Қозоқова уни ишга тиклаб ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига кўмаклашган соғлиқни сақлаш ходимлари вилоят касаба уюшма қўмитаси раиси К.Наимовадан ҳам норозилигини такрорлашдан чарчамасди. Шуларни мулоҳаза қилиб, хаёлимизга халқ ашулаларида айтиладиган «Ҳар не бўлса, ўзингдан кўр» деган сатрлар ёдимизга тушди. Ҳа, қонун барчага баробар. Ҳақ-ҳуқуқимизни билар эканмиз, бурчимизни ҳам унутмайлик.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Бир Фармон шарофати*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида тадбиркорликни кенг ривожлантириш иқтисодий ислоҳотлар ва бозор ўзгаришларининг ғоят муҳим устувор йўналиши деб белгиланган.**

# ХУСУСИЙ СЕКТОР УЛУШИ

Элликқалъа Оролбўйининг иқтисодиёти тараққий этиб бораётган ва ўнга яқин қўшма корхоналар фаолият кўрсатаётган туманидан бири. Ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Айни пайтда 1525 дан кўпроқ тадбиркорлик субъектлари мавжуд бўлиб, уларнинг 902 тасини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида 700 дан зиёд, қурилишда 32 та, саноатда 34 та ана шундай тизилмалар ишлаб турибди. Буларнинг ҳисобига 1800 дан кўпроқ иш ўринлари барпо этилди.

Туман иқтисодиётини юксалтиришга ишбилармонлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар томонидан жорий йилда 300 миллион сўмлик иш бажарилиб, аҳолига 230 миллион сўмликдан ортиқ савдо хизмати кўрсатилди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш режаси 115 фоизга бажарилди. «Элнур», «Бўстонсутконсервавино», «Шарбат» корхоналарининг ишга туширилиши тайёрланаётган ялпи маҳсулот миқдорини кўпайтириш имконини яратди. Биргина «Элнур» масъулияти чекланган жамияти 358,2 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни хорижга жўнатди. Экспорт ҳажми йил сайин кўпайиб бормоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рўйхатдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан бир мунча қулайликлар яратилди. Эндигина иш бошлаётган тадбиркорлар идорама-идора қатнашдан қутулдилар. Шунинг учун ҳам якка тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони кўпайиб, 700 нафардан ошиб кетди. Бу эса ўз навбатида аҳоли мушкулини осон қилиб, ишбилармонлар бюджетини бойитмоқда.

Қишлоқ хўжалиги туман иқтисодиётида етакчи ўринни эгаллайди. Мавжуд ширкатларнинг фермер хўжаликлари уюшмасига айлантирилиб, майдонларни бўлиб берилганлиги деҳқонларда мулкка эгалик ҳиссини шакллантирди, турмуш фаровонлигини ошириш имкониятини яратди. Пахта ва дон етиштириш кўпайди. Чорвачилик ривож топмоқда. Қорамоллар сони бултургига қараганда 3046 бошга, қўй ва эчкилар 1100 бошга, паррандалар 2000 тага кўпайди. Гўшт етиштириш 200 центнерга, сут 4359 центнерга ошди. Боғ ва токзорлар 50 гектарга кенгайди.

Тадбиркорларга молиявий ёрдам кўрсатилаяпти. Ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалигини янги техника билан жиҳозлаш учун Жаҳон банки маблағ ажратган. Бундан ташқари, «Пахта банк»нинг туман бўлими кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 67 миллион, «Халқ банк»и 59 миллион, «Оролни қутқариш халқаро жамғармаси» 70 миллион 800 минг сўм кредит берди. Қирқ нафар тадбиркор ўз хўжалигига янги технология сотиб олиб, хомашёни қайта ишлашни йўлга қўйдилар.

Оролбўйи шароитида аҳолини иш билан таъминлаш долзарб вазифа. Туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш бўлими фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда «Бандлик» дастурини изчиллик билан амалга ошираяпти. Бўлимга мурожаат қилган 2300 кишидан 1519 нафари ишга жойлаштирилди. 897 фуқарога вақтинчалик ишсизлик нафақаси тайинланди. 20 нафар ёшни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида қайта ўқитилиб, касб эгаллашига кўмаклашилди.

Йил давомида тадбиркорлик тизилмаларини ривожлантириш ҳисобига 2700 та қўшимча иш ўринлари ташкил этилди. Ишсизлик муаммосини бартараф этишда «Юнивер» Австрия-Бангладеш қўшма корхонаси муҳим рол ўйнади. Жамоада 800 та янги иш ўринлари очилиб, маҳаллий йигит-қизлар фойдали меҳнатга жалб қилинди. Янгидан иш бошлаган «Эл Ростлес» қўшма корхонасида ҳам 50 нафар маҳаллий ёшлар ишлай бошладилар. «Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси» ҳисобидан 48 фуқаро иш жойига эга бўлди.

Туман ҳокими қарори бўйича армия сафидан бўшатилган ва жазони ўташ муассасаларидан озод қилинганлар ҳамда ногиронлардан 59 нафари учун имтиёзли иш ўринлари банд қилинди. Деҳқон-фермер хўжаликларига юборилган 600 киши ва имтиёзли кредит олган 6 оила ана шундай қулайликдан манфаатдор бўлишди.

Ҳар чоракда «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказиб борилаяпти. Бундай тадбирлар туфайли 200 дан ортиқ фуқаро корхона, ташкилот ва муассасаларга ишга жойлаштирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизилмалари, деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этилаётганлиги, хорижий сармоядорлар билан биргаликда қўшма корхоналар очилаётганлиги тадбиркорлар сафини тобора кенгайтириш имкониятини яратмоқда.

**И.ҚАЙИПБЕРГАНОВ,**
**тадбиркор**



«Норин» ширкат хўжалигидаги Мирабдулла Раҳимов нафақат туманда, балки вилоятда ҳам илғор пахтакор сифатида барчага яхши таниш. Унинг узоқ йиллик меҳнати ҳукуматимиз томонидан қадрланиб, Мустақиллик байрами арафасида «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Илғор пахтакор жорий мавсумда ҳам барчага ўрнак кўрсатиб, ўзи бошчилик қилаётган звенодаги мавжуд 37 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтариб, туманда биринчилардан бўлиб йиллик шартнома режасини уддалади. Даласида эса ҳали ҳосил мўл.

**Суратда: «Шуҳрат» медали соҳиби Мирабдулла Раҳимов.**

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ**
**олган сурат**

*2004 йил — Меҳр ва мурувват йили*

# АМБУЛАТОРИЯ ШАРОИТИДА ДАВОЛАНИШДИ

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Меҳр ва мурувват йилида бу масала янада юксак аҳамият касб этмоқда.

Туманимизда бу борада қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудудда 7 минг 425 нафар ёшга доир пенсия ва 597 нафар ижтимоий нафақа олувчи фуқаролар истиқомат қилади. Уларга ўз вақтида пенсия ва нафақа пулларини бериш таъминланган. Шунингдек, бўлимимиз томонидан фуқароларга ижтимоий тўловлар тайинлаш яхши йўлга қўйилган. Хусусан, жорий йилда 307 нафар киши пенсияга чиқарилди. Улардан 156 нафарига имтиёзли шартларда пенсиялар тайинланди.

Бундан ташқари, 1 минг 602 нафар фуқарога уй-жой ва коммунал хизматлар учун компенсация тўланмоқда. Ногиронлар ва ёлғиз кексаларни ижтимоий ҳимояга олиш борасида ҳам фаол иш олиб боряпмиз. Бўлимимиз ҳисобида турувчи 58 нафар иккинчи жаҳон уруши ногирони, 36 нафар уруш қатнашчиси, 21 та ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оиласи, 7 нафар чернобилчига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, улардан 6 нафари протез-ортопедия буюмлари, 18 нафари ҳасса ва қўлтиқтаёқлар, 4 нафари ногиронлик аравачалари билан таъминланди. Яқинда «Қурама» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи 14 ёшли Ризхол Ўтановага ногиронлик аравачаси топширилди.

Меҳр-мурувват ишларига халқаро ташкилотлар хусусий тадбиркорлар ҳам ўз улушларини қўшмоқдалар. Бу йил Америка Қўшма Штатлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш фонди томонидан ногирон болаларга совғалар улашилди. Кам таъминланган оилалар диспансер кўригидан ўтказилди. Улардан 27 нафарига эса соғлиғини тиклаш учун сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилди. 299 нафар фуқаро амбулатория шароитида даволанди.

«Ғаллақудуқ» ширкат хўжалигидаги «Зиё ота» фермер хўжалиги раҳбари Шермирза Зиёевнинг савобталаб ишлари мақтовга сазовор. У 8 нафар ёлғиз кексанинг ҳар бирига маълум миқдорда гўшт, пиёз, ун маҳсулотлари тарқатди. Бундан ташқари, сахий тадбиркор кам таъминланган оилаларнинг 7 нафар фарзандига банкда омонат дафтарчаси очди. Бундай хайрли юмушларга бошқалар ҳам қўшилишди. «Алишер», «Давлат», «Омад» ва «Лохат» фермер хўжаликлари 9 нафар ногирон бола номига банкда омонат дафтарчалари очилишига ҳомийлик қилишди. Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги 25 нафар пенсионерга, «Сусам» қишлоқ фуқаролар йиғини 5 нафар ёлғиз қарияга, «Телов» қишлоқ фуқаролар йиғини 25 кексага озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатди.

**А. ЖЎРАХОНОВ,**
**Оҳангарон туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи**

# ХИРМОНГА БАРАКА

**Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги «Қаҳрамон» ширкат хўжалиги заршунослари зўр омилкорлик кўрсатиб зафар қучишди. Пешона тери эвазига етиштирилган оқ олтин қисқа муддатда саранжомлаб олинди. Давлатга пахта сотиш шартномавий режаси зиёдаси билан адо этилган бўлса-да, далаларда суръат бўшашмаяпти.**

– Мавсумга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилганлиги, илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилганлиги ютуқлар омили бўлди, – дейди хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Йўлдош Исатов. – Бизда яхши анъана шаклланган. Яъни, мавсумда энг юқори кўрсаткичга эришган 3-,4-,7-,12-бригадаларга 4 та новвос, 6 та палос шунингдек, бошқа қимматбаҳо совғалар топширилди. Дала шийпонлари деҳқон оромгоҳига айлантирилган. Бу ерда иссиқ овқат, чой мунтазам тайёрлаб келинмоқда. Одамларимизнинг кайфияти аъло. 2004 йил хўжалигимиз учун ҳар томонлама омадли келди. Қишлоқ хўжалигидан олинаётган мўмай даромад ижтимоий соҳани ривожлантириш, бунёдкорлик ишларини жонлантиришга хизмат қилади.

**Ю.ОЧИЛДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

**Мамлакатимизда саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш корхоналари салоҳиятини ошириш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Буни «Сурхониккиламчи қора металл шуъба корхонаси» мисолида кўришимиз мумкин.**

# КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

Корхонада инсон қадри биринчи ўринда туради. Шу боис бу ерда иш бир маромда кечаяпти. Ташкилотда жами 100 нафарга яқин ишчи-ходим фаолият кўрсатади. Асосан метал парчаларини қабул қилиб қайта ишлаб, кесиб Бекобод металлургия заводига жўнатиш ишлари амалга оширилмоқда. Меҳнат жамоасининг бир мақсад сари интилиши туфайли 2003 йилда ишлаб чиқаришда қўлга киритилган ютуқлар янада мустаҳкамланмоқда. Корхонада 4 та бўлим мавжуд бўлиб, Термиз, Музработ, Қумқўрғон, Сариосиё туманларида жойлашган. Бўлимларда юк тушириш ва ортиш учун кранлар ҳамда кислород станциялари ўрнатилганлиги темир кесувчи усталар ва ишчилар оғирини енгил қилишда қулайлик яратмоқда.

Айниқса, Термиз участкасида иш кўнгилдагидек бормоқда. Темир маҳсулотларини олиб чиқиш учун участка ҳудудидаги темир йўл таъмирланиб, янги 30 тонналик тарозихонадан фойдаланиш йўлга қўйилганлиги айни муддао бўлди.

Муҳими, маъмурият билан касаба уюшма қўмитси томонидан жамоа шартномалари бандлари тўлиқ бажарилмоқда. Жорий йилнинг 6 ойи давомида касаба уюшма қўмитаси томонидан ишчи-ходимларга 792 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, 6 миллион 653 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 1 миллион 752 минг сўмлик махсус кийим-кечаклар ишчиларга бепул тарқатилди.

Пешқадам ишчилардан 16 нафари 340 минг сўмлик пул мукофотлари ҳамда қимматбаҳо гилам ва бошқа совғалар билан тақдирланди. Яратилган шарт-шароитлар, жумладан, ошхона, маънавият ва маърифат хоналари ишчиларни мамнун этмоқда. Ишчилар ўртасида ташкил этилган қизиқарли спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб турилибди.

Ибратли томони шундаки, корхона ўз даромади ҳисобидан кам таъминланган оилалар, ногиронлар жамияти, маҳалла жамғармасига мурувват ёрдамини аямаяпти. Болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Жамғармага 200 минг сўмлик маблағ ўтказилди. Бу, албатта, ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Астойдил меҳнат ва даромад туфайли меҳр-мурувват кўрсатиш имкони туғилмоқда. Шу кунларда касабақўм яна бир савобли ишга қўл уриш тадоригини кўраётир. Корхона ишчилари оиласида бандачилик бўлиб қолса асосий сарф-харажатни зиммага олиш йўллари ўйланяпти.

**Алишер РАҲМОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ГЛОБУСЛАР - ЭКСПОРТГА

**«Зиё глобус» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Марказий Осиёда биринчи бўлиб глобус ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Юртимиз эндиликда мураккаб ечимга эга ушбу ўқув кўргазмали қуролни ишлаб чиқариш имконига эга йигирманчи мамлакатга айланди.**

Глобуслар 1 см.га 500 км. ўлчамда, яъни ер шарининг сиёсий-маъмурий, жўғрофий кўриниши эллик миллион марта кичрайтирилган шаклда бўлиб, ёзувлари лотин алифбосига асосланган ўзбек тилида акс эттирилган. Улар, айниқса, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва мактабларда тарих, астрономия, физика, география каби фанларда талаба ва ўқувчилар учун жуда қўл келади.

- Бу турдаги маҳсулотни йиллик ишлаб чиқариш қуввати эллик минг донани ташкил этади, - деди бирлашма бош директори Дилмурод Исроилов ЎзА мухбирига. - Айни пайтда корхонамизда юқори малакали ходимлар кунига беш юзтагача глобус тайёрлаётир. Маҳсулотимиз илмий жиҳатдан жуда аниқ ва пухта ишланган бўлиб, хариталари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Картография» илмий ишлаб чиқариш шуъба корхонаси мутахассислари томонидан тайёрланган. Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон, Озарбойжон, Тожикистондаги мижозлар билан маҳсулот экспорти юзасидан шартномалар имзоланди.

Корхонада элликдан зиёд янги иш ўрни очилди.

# ҲОВЛИ ТЎЙИ

**Арнасой тумани маркази - Ғолиблар қўрғонида бирданига 12 оила уй тўйини нишонлади.**

Қурилиши тугалланмай қолган ўн икки хонадонга мўлжалланган икки қаватли уй анчадан бери марказий кўча ҳуснига доғ бўлиб турган эди. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан чала иншоот ҳашар йўли билан қуриб битказилди. Янги уйга кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар кўчиб ўтди.

# АЛОҚА ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНДИ

**Қонликўл тумани аҳолиси халқаро андазаларга мос телефон алоқасидан фойдалана бошлади.**

Туман марказида янги рақамли замонавий телефон станцияси ўрнатилди. Мингдан зиёд мижозга хизмат кўрсатиш қувватига эга янги тармоқ модем алоқаси ва интернетга уланиш имконини ҳам беради.

- Янги станция орқали аҳолига 14 турдаги хизмат кўрсатиш имконига эга бўлдик, - дейди туман телекоммуникация бўлими раҳбари Бердақ Исматуллаев. - Ҳозир 900 нуқтага юқори сифатли телефон алоқаси ўрнатилди.

**(ЎзА)**

*Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

**Бугунги кунга келиб жамоамиз иқтисодий ислоҳотлар йўлидан дадил бормоқда. Чунки бу ерда янги иқтисодий ривожланиш йўналишлари, унинг сир-асрорларини яхши англаб етилганлиги, энг муҳими, тадбиркорлик билан иш юритилаётгани барча қийинчиликларни енгиб ўтиш имконини бераётир.**

# ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК неъматлари

1958 йилда ташкил этилган автожамланмамизда 260 нафарга яқин турли миллат вакиллари ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб, вилоятдаги қурилиш, пахта тайёрлаш корхоналарига ҳамда ширкат ва фермер хўжаликларига буюртма асосида намунали хизмат кўрсатмоқда.

Автокорхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд транспорт воситаларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларидан тежаб-тергаб фойдаланиш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 1178,2 минг тоннадан зиёд халқ хўжалиги юклари ташилиб, 2 миллион 772 минг сўм даромад олинди. Ишлаб топилган маблағ эса жамоа аъзоларимиз турмуш шароитини яхшилаш, ишчи-хизматчилар учун қулай имкониятлар яратиш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун сарфланмоқда.

Корхона тасарруфида ёрдамчи хўжалик ҳамда иссиқхона фаолият кўрсатмоқда. Бу ишчи-хизматчиларимизни чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда жуда қўл келяпти. Ёрдамчи хўжалик ҳисобидан гўшт ва сут маҳсулотлари, шунингдек лимон ҳосили олиниб, жамоа аъзолари дастурхонига тортиқ этилаяпти.

Яна бир гап. Корхона ҳайдовчилари нафақат иш унумини оширишда, балки спорт соҳасида ҳам етакчи ўринларда боришмоқда. Жумладан, таэквондо бўйича транспортчилар ўртасидаги вилоят ва республика мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаб келишяпти. Автокорхонанинг ёпиқ турдаги спорт мажмуасида ҳайдовчиларнинг 100 га яқин фарзандлари спортнинг баскетбол, теннис, қўл тўпи таэквондо каби кўплаб турлари билан шуғулланмоқдалар.



Айни кунларда ҳайдовчиларимиз пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиб-териб олиш ишларида пахтакорларга яқиндан кўмак беришмоқда. Катта бойлигимиз бўлган пахтани нест-нобуд қилмай қабул пунктларига етказиш, йўлларда кўнгилсиз ҳодисалар содир этмай ҳаракат қилиш ҳайдовчидан катта масъулият ва маҳорат талаб этади. Шу боис, барча ҳайдовчилар билан зарур тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу эса ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

**Абдураҳмон ИСЛОМОВ,**
**Сирдарё шаҳридаги 2513-автокорхона бош муҳандиси**

# ТЕКШИРИШДА АЁН БЎЛДИ

**Мамлакатимизда қонуний тадбиркорлик билан шуғулланаётганларга кенг имкониятлар яратиб берилган. Бироқ айрим кишиларнинг унга амал қилмаслиги оқибатида жойларда нақд пул тушуми пасайиб кетиш ҳоллари кузатилмоқда. Натижада ойлик маошлар, пенсия ва нафақалар эгаларига кечикиб етиб бормоқда. Бундай муаммоларга йўл қўймаслик мақсадида Зангиота тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан кўпгина ишлар амалга оширилди. Шу боис нақд пул тушуми бўйича белгиланган режа бажариб борилаётир.**

Инспекция ходимлари томонидан жорий йилнинг 8 ойи давомида жами 145 та текширув ўтказилиб, шундан 36 та ҳолатда 280 - қарор шартлари бажарилмай, камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, тумандаги Эркин маҳалласи ҳудудида жойлашган «Абдулла ота» хусусий фирмасига қарашли савдо шохобчасида ана шундай ҳолат рўй берди. Унда фаолият юритаётган сотувчи Х. Бердиев харидорга 12500 сўмлик савдо пулига чек беришни «унутиб қўйган»лиги ва 52500 сўм савдодан тушган нақд пулни назорат-касса машинасида қайд этмаганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, тадбиркорнинг масъулиятсизлиги оқибатида июн ойида 3 миллион 148 минг 645 сўм савдо тушуми банкка топширилмаган.

Хусусий тадбиркор Ш.Шоқосимов туман ҳудудидаги Чиғатой-Оқтепа МЧЖ ҳудудида бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатиб келади. Солиқ инспекцияси ходимлари томонидан текширув ўтказилганида ушбу тадбиркор 825 минг сўм нақд пулни кассага эмас, киссага солишни маъқул кўрганлиги аён бўлди. Бундан ташқари, шу давр мобайнида 11 миллион 64 минг 600 сўмни банк муассасасига топширмаган. 1 миллион 367 минг 969 сўмлик товар эса китобда акс эттирилмаган.

Мазкур қурилиш моллари савдо мажмуасида кўплаб ишбилармонлар фаолият олиб боришади. Энди бир ўйлаб кўринг. Биргина тадбиркор томонидан шунчалик қонунсизликка йўл қўйилса, банк муассасасида нақд пул маблағлари қайдан кўпайсин?

Шунингдек, Эркин қишлоқ фуқаролар ҳудудида фаолият олиб бораётган яширин цех фош этилди. Маълум бўлишича, мебел ишлаб чиқаришга мўлжалланган мазкур цехда Хатирчи туманидан келган фуқаролар И.Тиллабоев ва О.Бойқобиловлар ҳеч қандай ҳужжатсиз ишлашаётган экан. Шунинг учун ана шу ишбилармонлар ҳаракатига ҳам чек қўйилди. Солиқчилар томонидан йил давомида 6та ана шундай яширин цех фаолияти тўхтатилди.

Ачинарлиси шундаки, рисоладагидай иш олиб бораётган тадбиркорлар ҳам қонун бузилишига йўл қўйишиб, оқибатда катта миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлишмоқда. Жумладан, Назарбек қишлоғида жойлашган «Чеҳра» хусусий фирмасига қарашли кафеда ана шундай ҳолатга дуч келинган. Текширувлар натижаси шуни кўрсатдики, июл ойида 2 миллион 116 минг 791 сўм нақд пул тушуми банк муассасасига топширилмай, бошқа мақсадларга сарфлаб юборилган.

Туман солиқ инспекцияси ходимлари текширишлар натижасида аниқланган 7 та иш бўйича жиноий иш қўзғатдилар. 34 нафар қонунбузилишига йўл қўйган тадбиркор маъмурий жаримага тортилдилар. Айбдорлардан жами 62 миллион 772,1 минг сўм миқдорида молиявий жарима ундирилди. Туман судига 8 та ҳолат бўйича далолатнома юборилди.

**Баҳром РАҲИМБОЕВ,**
**Зангиота туман давлат солиқ инспекцияси бўлим мудири**

*Қонун барчага баробар*

**Қўқон шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими томонидан амалдаги йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида жами 26 та жиноий, 26 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди. Текширишлар натижасида давлатга 8 миллион 107,7 минг сўм моддий зарар етказилганлиги маълум бўлди. Катта миқдордаги банкдан ташқари ноқонуний товар-пул айланмалари аниқланди.**

# НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД манбаига чек қўйилди

Ўтган давр мобайнида бўлим ходимлари томонидан 2 та яширин цех фаолиятига чек қўйилди. Масалан, фуқаро Баҳром Баҳодиров ўз уйида қўлбола усулда спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган экан. 231 литр спирт, арoқ ва коньяк қопқоқлари далилий ашё сифатида олинди. 433 минг сўмлик сифатсиз спиртли маҳсулотларни муомалага киритганлиги сабабли учар «тадбиркор»га нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Бўлим ходимлари томонидан «Шарқ» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси фаолияти ҳам чуқур таҳлил қилинди. Маълум бўлишича, фирма сўнгги икки йил давомида назорат-касса машинасини ўрнатмасдан жами салкам 178 миллион 461 минг сўмлик савдо айланмасини амалга оширган. Шу жумладан 107 миллион 182 минг сўмлик спиртли ичимликлар муомалага киритилгани ҳолда савдодан тушган нақд пул тушумларидан борйўғи 701 минг сўмигина банкка топширилган. Бундан ташқари, савдо айланмаларидан пенсия ва йўл жамғармаларига тўланиши лозим бўлган мажбурий ажратмалар миқдори ҳисоботларда қасддан камайтириб кўрсатилган. Қонун барчага баробар. Буни унутган фирма раҳбари З.Исаевга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилиб, ҳужжатлар тергов ҳаракатлари олиб бориш учун шаҳар прокуратурасига тақдим этилди.

Қўқон шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда «Навбаҳор» кўчаси 80-уйда жойлашган «Лион Кинг» хусусий корхонасига қарашли савдо дўконида қисқа муддатли текшириш ўтказилди. Дўконда 11 турдаги умумий қиймати салкам 283 минг сўмлик спиртли ичимликлар ҳеч қандай кирим ҳужжатлари ва маҳсулот сифатини тасдиқловчи ҳужжатларсиз муомалага киритилганлиги фош қилинди. Сотувга қўйилган ушбу спиртли ичимликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Қўқон синов ва сертификатлаштириш маркази мутахассислари текширувида ушбу спиртли ичимликларнинг стандарт талабларига номувофиқлиги аниқланди. Қарангки, дўкон сотувчиси М.Юсупов яна бир ноқонуний ҳаракатга қўл урган. Сотувдан тушган нақд пуллар 240 минг 800 сўм бўла туриб, борйўғи 17 минг сўм НКМга кирим қилинган.

Қўқон шаҳридаги «Жайхун-Қўқон» хусусий овқатланиш шохобчасида мониторинг кузатуви тадбири ўтказилиши натижасида ўртача кунлик тушумга қўшимча 66 минг 300 сўм туширишга эришилди. Шунингдек, бўлим томонидан шаҳарда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар ва бозорларда солиқ қонунчилигини мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар тарғиботига оид 77 та тадбир амалга оширилди.

**Баҳодиржон ҲАКИМОВ,**
**Қўқон шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи,**
**Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ҳарбий хизмат — муқаддас бурч*

**_Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига асосан мамлакатимизда йигитларни ҳарбий хизматга чақирув давом этмоқда._**

# ҚАЛБЛАРДА ВАТАН ИШҚИ

Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округи қисмларидан бири. Хизматга чақирилган ватан ўғлонлари она Юртимиз, Президентимиз ва халқимизга содиқ эканликлари ҳақида ҳарбий қасамёд қабул қилишяпти.

– Юртбошимиз Қаршидаги сержантлар мактабида бўлиб, ҳарбийларнинг яшаш ва ўқиш шароити билан танишганликлари, аскар ва офицерлар билан суҳбат чоғида сержантлар тайёрлашни янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор берганликлари зобитлар ва аскарларни янада руҳлантириб юборди, – дейди Қашқадарё вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи З.Шермаматов.– Эндиликда бўлғуси ҳарбийлар зиммасига катта талаблар қўйилган. Чақирилувчиларнинг биринчи навбатда соғлиғи мустаҳкам бўлиши, кейин уларнинг интеллектуал даражаси иншо билан, руҳий ҳолати махсус тест орқали, жисмоний тайёргарлиги мураккаб машқлар ёрдамида синовдан ўтказилади.

Қисм майдончаси байрамлардагидек безатилган. Ҳарбийлар, жамоа ташкилотлари ва ота-оналар вакиллари тўпланишган. Бўлғуси аскарлар мағрур саф тортиб туришибди. Ҳаммаси норғил, бақувват йигитлар. Келбатидан битмас-туганмас куч-ғайрат ёғилади. Кўзларида сўнмас бир ўт бор. Иродаси мустаҳкам, аҳдида собит.

Ота-оналар номидан М.Рўзиева, муқобил ҳарбий хизматни ўташга киришган ёшлардан О.Очилов, Ж.Мўминов ва бошқалар сўзга чиқиб ватанимизга садоқатларини, халқимиз осойишталиги, сарҳадларимиз хавфсизлигини қўриқлашга ҳамиша шай эканликларини изҳор этдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янгради.

Ватан олдидаги фуқаролик бурчини бажаришга киришганларга ҳарбий гувоҳнома топширилди. Қалблар ҳаяжондан энтикди. Ҳарбий либос ярашган йигитлар шаҳдам қадам ташлайдилар.

– Ўғлим армия хизматига чақирилганидан бениҳоя шодман, – дейди Фотима опа Ҳамроева. – Бугун фарзандим Темур ҳарбий қасамёд қабул қилиб, аскарлар сафига қўшилганидан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Бундан бир ой муқаддам Денис Фёдоров ҳарбий қасамёд қабул қилиб хизматни бошлаганди. Тантанада унинг онаси Татьяна Астапеевани ҳам учратдик. Она ўғлининг хизматидан рози.

– Ватан саждагоҳ каби муқаддас, – дейди Татьяна опа мамнунлик билан. – Инсон учун туғилган жойидан муқаддас замин йўқ. Ўғлим хизмат бурчини аъло даражада ўтаётганидан бошим осмонда.

Она Ватан, Ўзбекистон учун, халқ тинчлиги, юрт осойишталиги йўлида фуқаролик бурчини адо этаётган ёшлар қалбида олам-олам қувонч.

Ҳарбий қисмда аскарларнинг яшашлари, ўқиб-ўрганишлари, жисмоний машғулотларда қатнашишлари учун барча қулайликлар яратилган. Тажрибали зобитлар ёшларнинг жисмоний, аҳлоқий ва маънавий билимини мустаҳкамлаш, ҳозирги замон қурол-яроғларини моҳирона ишлатишлари учун уларга пухта билим беришади.

Байрамона кайфият шарафли ҳарбий машғулотлар билан алмашади. Юрагида Ватан ишқи жўш урган аскарлар ҳарбий хизматни адо этишга киришадилар. Ота-оналар эл-юрт осойишталиги йўлида фуқаролик бурчини бажараётган фарзандларнинг ой бориб, омон келишига тилакдош.

**Иззат ҲИКМАТ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ЎЗБЕК ХОНАДОНИНИНГ ЯПОН КЕЛИНЧАГИ

*Оила*

«Япон қизига уйланаман!».

Азаматнинг бу гапини эшитган Сайёра опа ҳангу манг бўлиб қолди. Ўғлининг ҳазиллашмаётгани, аҳди қатъийлигини билгач, кўзига ёш олди:

- Тўйдан гап очсам, нуқул «ўқишимни тугатай», дединг. Тошкентда ўқидинг, Туркияда ўқидинг, энди Японияда ўқияпсан. Ахир, ёшинг бир жойга бориб қолди. Мен қаторилар аллақачон невара кўрган. Менинг ҳам орзуларим бор. Келин қиламан деб, сеп йиққанимга неча йил бўлди. Энди келиб-келиб, дунёнинг нариги бурчагидан келин қиламанми?! Японнинг урф-одатини билмасам, тилини тушунмасам...

Азамат индамай нариги хонага кириб кетди. Аёл эри Ҳамроқул акага дардини тўкиб солди. «Жанжал»га ота аралашди. Ўғлини чақирди.

- Нацукога уйланмасам, дунёдан тоқ ўтаман, дадажон! - деди Азамат.

...Шу оқшом Япония пойтахти - Токио шаҳрида, журналист Рехей Кодама хонадонида ҳам шу тахлитдаги гап-сўзлар бўлаётган эди. Нацукони ҳам ота-онаси аҳдидан қайтариш учун анча қийин-қистовга олди. Азамат билан Токиодаги Халқаро университетнинг маъмурий бошқарув факультети магистратурасида ўқиш жараёнида танишиб, ўзбек йигитига кўнгил берган Нацуко ҳам гапида туриб олди: «Азаматга турмушга чиқмасам, дунёдан тоқ ўтаман!..»

Шундай қилиб, бир куни Азамат Нацукони етаклаб кириб келди. Сайёра опани кўрган заҳоти Нацуко шарқона таъзим бажо қилди.

- Айланиб кетай, таъзим қилишлари худди ўзимизга ўхшайди-а! - деганини билмай қолди она.

Сайёра опанинг кўнглидаги ғашлик бир зумда тарқаб, Нацукони меҳр билан бағрига босди. Бу розилик аломати эди.

Япон келинни кўргани қўни-қўшнилар чиқди, қариндош-уруғлар йиғилди. Барча Азамат ва Нацуконинг бир-бирига меҳрибонлигини, айниқса, бўлажак келиннинг шарқона илтифотини кўриб ҳайратга тушди.

Хуллас, шу йилнинг 11 октябр куни икки ёш Бухоройи шарифда никоҳдан ўтди. Тўйда келиннинг ота-онаси, қариндошлари, дугоналари, куёвнинг ёру биродарларига қўшилиб гоҳ японча, гоҳ ўзбекча рақсга тушди, японча ю ўзбекча куй-қўшиқлар, табриклар янгради. Ўзбек ўғлони муҳаббат ришталарини олис Кунчиқар мамлакатнинг гўзал бир қизи билан умрбод боғлади. Бугун Сайёра опа хурсанд:

- Буларнинг ҳаммаси мустақиллигимиз шарофатидан, ўргилай! - дейди у. - Мустақил бўлмаганимизда ўғлим Туркияда ўқирмиди, Японияга борармиди! Уйимга Нацукодай чиройли япон қизи келин бўлиб келармиди! Шу кунларга етказганига шукур.

**(ЎзА)**

*Профессионал бокс*

## ТЕМУР ИБРОҲИМОВ - ЧЕМПИОН

Профессионал боксда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ҳамюртимиз Темур Иброҳимов дастлабки совринини қўлга киритди.

АҚШнинг Флорида штатидаги Бойтон-Бич шаҳрида жойлашган Club Ovation спорт мажмуида профессионал бокс бўйича ўтказилган турнир доирасидаги жангда ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси мезбонлар вакили Шон Робинсон билан куч синашди.

Ушбу жанг WBC Fecarbox чемпионлик камари учун ўтказилгани боис 12 раунд давом этиши лозим эди. Гарчи Шон Робинсон Темур Иброҳимовга нисбатан профессионал боксда икки баробар кўп - ўттизта жанг ўтказган бўлсада, рингда ўзбекистонлик боксчи рақибидан маҳорат бобида анча устунлигини намойиш қилди.

Ҳамюртимизга WBC Fecarbox чемпионлик камарини қўлга киритиши учун бир раунд кифоя қилди. Беллашувда Темурнинг кучли ва аниқ зарбасини ўтказиб юборган Шон Робинсон нокаутга учради. Учрашувни бошқарган рефери жанг ўзбекистонлик боксчи фойдасига ҳал бўлганини билдириб, чемпионлик камарини Темур Иброҳимовга топширди.

Эслатиб ўтамиз, Темур Иброҳимов профессионал рингда енгилмас боксчилардан ҳисобланади. У ўн олтита жангдан ўн бештасида ғалаба қозонган, битта учрашувда дуранг қайд этилган. Ҳозир ҳамюртимиз дунё рейтингида 84-ўринда бормоқда.

*Илм-фан*

# 2004 ЙИЛ НОБЕЛ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

**_Жаҳондаги энг нуфузли мукофот Нобел мукофоти бўлиб, швециялик тадбиркор, олим ва кашфиётчи Альфред Бернхард Нобел (1833-1896) номи билан боғлиқ. Кўп йиллик изланишлар натижаси ўлароқ Нобел 80 дан ортиқ кашфиётга муаллифлик қилган. Сунъий ипак, газ моторлари, динамит ва бошқалар шу олимнинг кашфиётидир._**

Аммо бу олимни жаҳонга машҳур қилган сўнгги «кашфиёти» – унинг 1869 йили Париж шаҳрида ёзиб қолдирган бир парча «Васиятнома»сидир. Шу ҳужжатга асосан Альфред Нобел халқаро фонди ва мукофоти юзага келди. Ҳозирда у энг юксак нуфузга эга. Олимнинг васиятига кўра, унинг вафотидан кейин қолган жамғарма – капитал асосида Нобел фонди ташкил этилиши керак эди. Шу фондга тушадиган ҳар йилги даромад 5 қисмга тенг бўлиниб, Нобел мукофоти шаклида физика, кимё, физиология ёки медицина фани соҳасидаги буюк кашфиётлар, адабиётдаги бадиий асар, халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолияти учун бериб борилади.

Нима учун Нобел «Васиятнома»сида жуда муҳим бўлган математика фани тилга олинмаган, деган савол кўпчиликни қизиқтирса керак. Бу тўғрида икки хил қараш мавжуд: биринчиси бўйича у гўёки математика билан умуман қизиқмаган экан; иккинчидан, балки асосийси шудир, Нобел қаттиқ севган маъшуқа математик олим билан турмуш қурган ва шу сабабли у умуман уйланмаган. Нобел умри охирида жамғармасида етмиш миллион швед кронаси бўлган, ҳозирги даврда бу жамғармадаги пул миқдори икки юз миллион кронага етган.

1968 йилда Швеция давлат банки – ристаг ташкил этилганлигининг 300 йиллик юбилейи муносабати билан ва албатта, иқтисодиёт фанининг катта аҳамияти туфайли фанлар соҳасидаги ютуқлар учун бериладиган қўшимча – олтинчи Нобел мукофоти таъсис этилди.

Совриндорлар ҳақидаги маълумотлар Нобел туғилган ой – октябр атрофида эълон қилинади.

Бу йилги физиология ва медицина соҳасидаги мукофот америкалик олимлар: Ричард Аксель (1946 йили туғилган) ва Линда Бак (1947) хонимга насиб этди. Уларнинг кашфиётлари инсоннинг ҳид билиш органларини ўрганиш билан чамбарчас боғлиқ. Улар бизнинг ҳид билиш системамиз қандай ишлашлигини мукаммал ўрганиб чиқиб, хусусан, одамлар 10 мингдан ортиқ турли ҳидларни эслаб қолиши ва ажрата олиш қобилиятига эга эканлигини аниқладилар. Олимлар ҳид билувчи рецепторларга жавоб берувчи мингга яқин генларни топдилар. Бу рецепторлар махсус катакларда жойлашган бўлиб, бурун эпителиясининг юқори қисмида жойлашган. Улар нафас олиш орқали ҳиди бор моддаларнинг молекулаларини ажрата оладилар. Иккала олим 1991 йилда бу соҳадаги фундаментал тадқиқотларини биргаликда нашр этишди.

Физика соҳасидаги мукофот ҳам 3 та америкалик олимларга бериладиган бўлди. Бу Дэвид Гросс (1941), Дэвид Политцер (1949) ва Фрэнк Вилчек (1951) лар бўлиб, уларнинг кашфиётлари элементар заррачаларнинг ўзаро тортишиши муаммоларини ўрганишга бағишланган. Аслида бу кашфиёт бундан деярли 30 йил аввал очилган бўлиб, элементар заррачаларнинг бир-биридан узоқлашуви ўзаро тортишув кучининг ошишига олиб келади. Нобел қўмитасининг хулосасига кўра, бу олимларнинг кашфиётлари универсал гравитация назариясини тўлиқ яратишда муҳим бир қадам бўлиб ҳисобланади.

Кимё бўйича соврин иккита исроиллик ва бир америкалик олимларга берилди. Булар Аарон Кичановер (1947), Аврам Хершко (1937) – Хайфадаги технология институтининг тадқиқотчилари ва америкалик Ирвин Роуз (1926) – Калифорния университети ходими. Бу олимларга мукофот оқсил моддаси тузилиши соҳасидаги тадқиқотлари учун берилган.

Адабиёт соҳасидаги мукофот австриялик аёл Элфриде Йелинек (1946) га берилди. Бу олимга мукофот новелла ва театр спектаклларидаги мусиқа овозларининг мутаносиблиги масалаларини ёритганлиги учун берилган.

Иқтисодиёт соҳасидаги мукофот норвегиялик Фин Кедланд (1943)га ва америкалик Эдвард Прескотт (1940)ларга насиб этди. Уларнинг тадқиқотлари макроиқтисодиёт динамикасини ўрганиш масалаларига бағишланган. Бу тадқиқотда бизнес циклдаги иқтисодий сиёсат ва кучларни ўрганишга асосий эътибор қаратилган.

Юқорида келтирилган 5 та мукофот Швециядаги Стокгольм шаҳрида топширилади.

Тинчлик соҳасидаги мукофот кениялик Вангори Маатан (1940)га тақдим этиладиган бўлди. Унга бу мукофот барқарор ривожланиш, демократия ва тинчлик ишига қўшган ҳиссаси учун берилди. У Кенияда демократия ўрнатиш учун фаол курашган, у бу ишини экологик муаммолар билан қўшган ҳолда олиб борди. Унинг фаолияти туфайли Африка ўрмонларининг саҳрога айланиб кетиши олди олинди. «Маатан яшил ҳаракати» ходимлари томонидан 25 йил давомида Африка қитъасида 20 миллион тупдан ортиқ дарахт экиб кўкартирилди.

Тинчлик соҳасидаги мукофот Норвегиянинг Осло шаҳрида топширилади.

Нобел мукофоти лауреатлари бу мукофотларни Нобел вафот этган кун 10 декабрда қабул қилиб оладилар. Бу йилги мукофотнинг миқдори ҳар бир соҳа бўйича бир миллион уч юз минг АҚШ доллари атрофида. Агар бир нечта олим совриндор бўлган бўлса, мукофот теппа-тенг бўлинади.

**Абдуҳалил РАЗЗОҚОВ,**
**ТДИУ профессори**

*Хабарлар оқимидан*

## УМРИ БОҚИЙ ҲАЙКАЛ

Машҳур италян санъаткори Микеланжело ўзидан бебаҳо ижодий мерос қолдирди. У яратган ҳайкалтарошлик асарлари эса дунёга машҳур.

Санъаткорнинг «Довуд» деб номланган ҳайкали эса мана 500 йилдан бери томошабинларни ҳайратга солиб келмоқда. Тўрт метр узунликка эга бўлган бу нодир асар 1504 йили Флоренция шаҳрининг Дел-академия бадиий галереясига тақдим қилинган эди.

Бугунги кунда ҳам «Довуд» чет эллик сайёҳлар эътиборини ўзига тортмоқда. Галереядаги бу асар такрорланмас санъат буюмидир, дейишмоқда томошабинлар.

Кўргазма раҳбарининг айтишича, ушбу ноёб ҳайкал туфайли галерея учун ҳар йили 600.000 АҚШ доллари миқдорида фойда келтирмоқда.

Умри боқий бу каби нафис ижод намуналари кўплаб яратилганлигини кўпчилик яхши билади.

## ЛУҒАТЧИЛИККА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодий меросини ўрганиш йўлида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Таниқли адабиётшунос олим Мирзааҳмад Олимов учун ҳам бу бебаҳо мерос тадқиқот марказига айланиб қолди.

Унинг кўп йиллик илмий изланишлари натижаси ўлароқ «Бобурнома»да қўлланилган синонимлар луғати юзага келди. «Фан» нашриёти ушбу луғат адабиётини чоп этиб, мухлисларга яхши совға ҳозирлади.

Мутахассислар ушбу йирик изланишни луғат-тадқиқот намунаси деб баҳоламоқдалар. Зеро, мазкур нашр ўзбек тилшунослигида муайян бир бадиий асар асосида яратилган дастлабки мустақил синонимик луғат адабиёти янглиғ ҳам оғизга тушди.

Изланувчан адабиётшуноснинг бундан илгари босмага ҳозирланган «Бобурнома»да Аллоҳ исмлари ва сифатлари талқини» деган китоби ҳам тез оммалашганди. Бобур ҳақидаги бу ва шунга ўхшаш бошқа тадқиқотлар олимни «Бобурнома» поэтикаси ҳақидаги навбатдаги йирик илмий ишни яратишга илҳомлантирди.

## НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ

Бутун жаҳон почта Иттифоқи ташкил этилганига 130 йил бўлди. Бу нуфузли халқаро ташкилот ўз атрофига ҳозир ер юзидаги 191 мамлакат почта бўлимларини бирлаштирган.

Руминиянинг пойтахти Бухарест шаҳрида ўтказилган халқаро конгресс ана шу санага бағишланди. Бутун жаҳон почта иттифоқининг ушбу навбатдаги 23-анжуманида «Ўзбекистон почтаси» Давлат ҳиссадорлик компаниясидан ҳам делегация иштирок этди.

Зеро, бу компания мазкур халқаро Иттифоққа 1994 йили қабул қилинган эди. Мана шунга ҳам 10 йил бўлди. Бу орада «Ўзбекистон почтаси» компанияси фаолиятида кўпгина янгиликлар содир бўлди. Талайгина алоқа бўлимлари иш бошлади. «Халқаро почтамт», «Ўзбекистон маркаси», «Халқаро тезкор почта» каби ҳиссадорлик жамиятлари тузилди.

Компанияда амалга оширилаётган хизмат жараёнларининг аксарияти электрон ахборот тизими ва технологиялари асосида ташкил этилмоқда.

## ЭКОЛОГИЯ ОЛАМИГА САЁҲАТ

Гўзал табиат ўзининг фусункор манзаралари билан инсонни мафтун этади. Ана шу яшил табиат болакайларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

«Экология оламига завқли саёҳат» деб номланган тўплам айнан болакайлар учун мослаб чоп этилди. «Экосан» республика ўқув-методик маркази иштирокида босмага тайёрланган бу нашр 5-8 ёшда бўлган ўғил-қизларни ранг-баранг табиат олами билан таништиришда фойдали адабиёт бўлиб хизмат қилади.

Экологик маданиятнинг ўзига хос тарбиявий томонлари ёритилган мазкур тўпламда иллюстратив материалларга ҳам кенг ўрин берилган

«Экология оламига завқли саёҳат» китоби республикамиздаги болалар боғчалари, меҳрибонлик уйлари ҳамда мактабларнинг бошланғич синфларига бепул тарқатилди.

**А.АЛИЕВ**



Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактабда йигирма йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган Гули Маҳкамова ўқувчилар ва ҳамкасабалари томонидан эъзозланади. Унинг ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда олиб бораётган ибратли ишлари таҳсинга лойиқ.

Гули Маҳкамова ишлаб чиққан 26-соатли дастур «Халқ ҳунармандчилиги асослари» бўлимидан жой олган. Шунингдек, унут бўлиб бораётган миллий урф-одатларимизни тиклаш, халқ амалий санъатидаги ўта нозик, ранг-баранглик ҳамда гўзалликни ўзида мужассам этган «қуроқ» услубини оммалаштириш борасида қилаётган ишлари республика миқёсида тан олинган.

**Суратда: Гули Маҳкамова ўқувчилар билан меҳнат таълими дарсида.**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат**

*Овчи ҳикоялари*

# МАҒРУР ВА ҚАСОСКОР

Маҳмуджон деган муҳандис дўстим бор. Техникани миридан сиригача биладиган бу йигитнинг қизиқмаган соҳаси йўқ. Маҳмуджондан овчилик ҳам «қочиб қутилмаган». Яқинда бир суҳбатда қушлар шоҳи – бургутнинг ажойиб хислатлари ҳақида гапириб қолди.

Бу воқеани ўйласам, ҳозир этим жимирлашиб кетади, дея ҳикоясини бошлади Маҳмуджон. Овга янги ўрганаётган кезларим. Уч киши тоғда яшайдиган чўпон танишимнинг уйига меҳмонга бордик. Яйлов дарғаси хурсанд бўлиб кутиб олди. Келишдан мақсадимизни айтдик. Бу ҳам мезбонга хуш келди.

– Ўзим ҳам овни жуда соғинганман, - деди у чодир бурчагига осиб қўйилган қўшоғиз милтиғини олиб тозаларкан, – эртага саҳарлаб тоққа чиқамиз.

Тушгача битта тулки, икки жуфт каклик отдик. Шунинг ўзи ҳам бизга бир олам қувонч бағишлади. Жилға бўйида ёнбошлаб кўмач нонни сувга ботириб еяётганимизда Жобир исмли шеригимиз беш терак бўйи баландликдаги қоянинг устида тош қотиб ўтирган йирик қушни кўрсатди.

– Анаву «ландовурни» қаранглар. Яқинида овчилар борлигини ўйламайдиям. Ажали етганми дейман!

– Бургут одамдан чўчимайди, - изоҳ берди чўпон ҳамроҳимиз. – Кейин ўзига ишонади. У билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Жобир мийиғида кулиб қўлига милтиғини олди.

– Қуш инсон билан ҳазиллашиб қаерга ҳам борарди. Одам учун битта нишон-да. Икки грамм қўрғошин билан тинчийди.

Биз ҳай-ҳайлаб Жобирни инсофга чақирганимизча қўшотар милтиғидан гумбирлатиб бирин-кетин икки ўқни бўшатди. Бургутнинг жойидан оғир силкиниб олганини кўрдик. Жобир чакки отмасди. Чамаси икки ўқ ҳам нишонга теккан эди. Қуш бўғилиб қийқирди-ю узун қанотларини силкитиб осмонга кўтарилди.

– Жон жойига тегмади шекилли, қочди лаънати, – Жобир афсусланиб чап қўли билан ёнига шапалатди.

Мезбон шеригимизнинг ҳам кўзлари юқорилаётган бургутга сеҳрланганди. Бирдан нимандидир сезгандек ёввойи овозда қичқирди:

– Қочинглар! Ўзларингни панага олинглар!

Дастлаб чўпон дўстимизнинг нима деяётганини англаёлмадик. Фақат калта қўлларини биз томонга имлаганича тоғ қиялигидаги дарахтзорга қараб чопаётганида тушундик ва ортидан оёқни қўлга олиб югурдик.

Ҳайтовур, дарахтлар панасига етишга улгурдик. Шу заҳоти икки шеригимиз етиб борган дарахт шохлари қасир-қусир синди. Қиррали тошлар устига бургутнинг баҳайбат жисми келиб тушди. Аммо тирик экан. Қонга беланган гавдасини амаллаб ўнглаётганида чўпон гумбурлатиб ўқ узди. Қуш бир талпинди-ю тупроққа қоришди.

– Ҳолинг шу экан-ку, жонивор! – Жобир кирза этиги билан бургутни қорнидан ағдараётганида яна ғайритабиий қийқириқ эшитилди-ю тупроққа беланган қуш гавдаси жон талвасасида силкинди ва чақалоқ болдири йўғонлигидаги қуш оёғининг темир панжалари Жобир этиги қўнжини омбурдек қисганча тик қотди. Қани Жобир этигини ундан бўшатиб бўлса. Бармоқларимиз билан ажратишга қурбимиз етмади. Чўпон овчи пичоғини чиқарди. Бургут панжаларини бирма-бир кесиб чиқди.

Жобир этигини ечганида кўрдик. Ўлган бургут тирноқлари керза этикнинг қалин кўнжини тешиб ўтган, оёқ суякларигача ўйиб кирганди. Чўпон дўстимиз огоҳлантириши нақадар тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

***

Тўрт оёқлиқлар орасида бўри энг қонхўри бўлса, паррандаларнинг ваҳшийси бургут ҳисобланади, сўзини давом эттирди Маҳмуджон. Бир воқеа баҳона бўлди-ю оғиздан-оғизга ўтиб кўплар учун афсонадек туюлган, аслида эчки боқиб юрганида улкан бургут томонидан олиб қочилган, қарияларга хос ақл-заковати билангина тирик қолган чол ҳақидаги миш-миш чинлигига ишондим. Тунов куни Чотқол бошланишидаги адирликларга туташган Қизилравот қишлоғига меҳмонга борганимда қизиқ ҳодисанинг устидан чиқдим.

Кечқурун кўча айланиб юриб шийпон олдидаги кекса тут дарахтига боғланган ғаройиб қушга кўзим тушди. Кўполдан-кўпол гавдаси, лайлакникидек узун, лекин патли йўғон оёғи, ҳар замонда силкитиб қўядиган қанотини демасангиз, эчки билан ўртамиёна қўй орасидаги жонзотнинг ўзгинаси. Икки оёғи тушовланиб арғамчи билан дарахт танасига банди этилганди. Ҳайрон тикилаётганимни сезган қариндошим изоҳ берди:

– Бургут бу! Қишлоғимиздаги бир болани олиб қочмоқчи бўлганида тутиб олишибди.

Ажабо! Бунақасини эртаклардагина ўқигандим. Қариндошим тафсилотини қисқача гапириб берди.

...Кеч куз. Шудгордан йиғилган ғўзапоялар шийпон атрофига ғарамланаётган пайт. Ўйнаб юрган бола ғўзапоя панасидаги улкан қушни сезмаган. Бургут чангал солгану ҳавога кўтарилмоқчи бўлган. Бола бор овозда доддлаган. Гўдакнинг бахтига ғўзапоя ғарамлари, тут дарахти шохлари тўсқинлик қилган. Кўчадан ўтиб кетаётган икки йўловчи буни кўришган-у бургутга қараб чопишган. Бири оёқларига осилиб ерга тортган, иккинчиси чопонини ечиб қушнинг бошига ёпган. Ёрдамга келган бошқа йўловчи арғамчи топиб одамхўрни тутга боғлашга улгурган.

– Аслида бургутлар орасида одамхўрлари ғоят кам, - деди шийпон тарафдан чиқиб келган қоровул чол суҳбатга қўшилиб. – Баъзан олиб қочишади-да, уясигача олиб боришади ёки бирон жойга ташлаб кетишади. Ёшлигимизда қариялар ёлғиз кампирни бургутлар олиб қочиб, адирга чиқариб еганини гапиришганини биламан. Жуда очиққанларигина шундай қилишади.

Қишлоқдагилар уч кундан бери келгиндини гўштли озуқа билан боқишаркан. Болалар каламуш, сичқон, қўлга тушган қушларни келтириб беришаётган экан. Қассобхонадагилар сарқитларини ташлаб кетишга одатланишибди. Кейинроқ эшитдим. Бургут барибир қўлга ўрганмабди. Ўқувчилар мактаб жонли бурчагига олиб кетишгани келишганида оёғи осмондан бўлиб ётган қушни кўришибди.

**О.НАЗАРОВ**

*Ташаббус*

## ИНСТИТУТ ҚОШИДА ЗАРДЎЗЛИК МАКТАБИ

Мана икки йилдирки, Абдулла Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институти қошида зардўзлик ҳунар мактаби фаолият кўрсатмоқда. Институт талабаси Садоқатхон Йўлдошеванинг бевосита ташаббуси билан ташкил этилган ушбу мактабда дастлабки йили 20 нафар талаба қизлар ҳунар эгаллаган бўлса, кейинги йилларда улар сафи кенгайиб боряпти. Талабалар билан биргаликда Жиззах шаҳрининг турли маҳаллаларидан келиб, зардўзлик санъати билан шуғулланаётган кўплаб ёшларни учратиш мумкин.

– Ҳар йили 4-5 соатни ишлаб чиқаришга, қолган вақтимизни маънавият ва маърифат асослари, турмуш сабоқларига қаратилган машғулотларга ажратамиз, – дейди ҳунар мактаби ташкилотчиси С. Йўлдошева. – Талабаларимиз билим олиш билан биргаликда ҳунар ҳам ўрганишмоқда. Уларга олти нафар мутахассис мураббийлик қилмоқда. Тозагул Дўсанова, Шоҳистахон Исматова, Раънохон Раҳмоновалар кўмагида ёшлар миллий қадриятларимиздан бўлган каштачилик, айниқса, зардўзлик ҳунарини қунт билан эгаллай бошладилар. Палаклар, сўзаналар, бўғжамалар, қизларга мўлжалланган бош кийимларини тикишмоқда. Ҳунар мактаби жамоаси «Ташаббус-2004» кўрик-танловининг шаҳар ва вилоят босқичлари ғолиби деб топилиб, совриндор бўлишди. Шунингдек, ҳунар мактаби жамоаси биргина 2003 йилда 300 минг сўмлик меҳр-мурувват кўрсатди. Улар жорий йилда 1 миллион сўмлик хайр-саховат ишларини амалга оширишмоқда.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## «АФАНДИ ВА АЗРОИЛ»

Киночилар уйида «Ўзбеккино» Миллий агентлигига қарашли «5-студия» ёшлар ижодий уюшмаси томонидан тасвирга туширилган «Афанди ва Азроил» бадиий фильмининг тақдимоти бўлди.

Ёш режиссёр Ҳилол Насимовнинг ушбу фильми устоз адиб Ғафур Ғулом асарлари асосида ишланган иккинчи картинасидир.

Сценарий муаллифлари - Шуҳрат Қаҳҳор ва Ҳилол Насимов, бош оператор - Султон Мирзааҳмедов, рассом - Қаҳрамон Нуриддинов. Фильмдаги асосий ролларни Ражаб Адашев, Фарҳод Абдуллаев, Мурод Ражабов, Эркин Комилов каби актёрлар ижро этишган.

«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари жамоаси газетанинг Тошкент вилояти бўйича ўз мухбири Темур Ҳайдаровга волидаи муҳтарамаси

**ТУРҒУНОЙ ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 817 1 2 3 4 5